

Россиялик толиби илмлар Мир Арабда диний таълим олишлари мумкин



17:29 / 31.05.2023 848

Ўттиз икки йиллик танаффусдан сўнг россиялик талабалар Ислом маркази ҳисобланмиш Ўзбекистонда диний таълим олишлари мумкин. Бу ҳақда РИА Новости агентлигига Россия мусулмонлари диний уюшмаси (РМДУ) раҳбари, муфтий Албир Крганов маълум қилди.

«Биз Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холикназаров билан россиялик талабаларни Бухородаги Мир Араб мадрасасида илм олиш имкониятини келишиб олдик. Ҳозирда тарихий мадрасада Чувашистондан келган талабалар билан биргамиз. Бунгача бу толиби илмлар Қозондаги «Муҳаммадия» мадрасасида таҳсил олишган. Бухорода машғулотлар ўтказиш шартлари билан танишдик, суҳбатлардан ўтдик. Россиялик талабалар 32 йиллик танаффусдан сўнг меҳмондўст Ўзбекистон заминига қайтишмоқда», дейди Крганов. — Ўзбекистон таълим сифати Туркия ва араб мамлакатларидагидан ёмон эмас. СССР парчаланганидан кейин турли сабабларга кўра, руслар Бухорога таълим олиш учун келишни тўхтатдилар. Ўзбекистонда ҳам оғир вазият эди. Ҳаммамиз Саудия Арабистони, Қатар, Қувейт ва бошқа давлатларнинг диний марказларига ошиқдик. Лекин Бухородаги таълим сифати Миср ёки Туркиядагидан ёмон эмас. Биз қайтйпмиз.

РМДУ раҳбари Мир Араб мадрасасида Россиянинг ҳозирги муфтийлари, Талгат Тожуддин, Равил Файнутдин, Исмоил Бердиев, Россия Қаҳрамони

Аҳмад хожи Қодиров ва бошқа кўплаб шахслар таҳсил олганини эслаб ўтди.

«Мамлакатимиз талабаларининг Бухорода яна таҳсил олиши Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганининг тасдиғидир», дейди Албир Крганов.